АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

1995 йил, 7 декабрь, № 36

Шанба кунлари чиқади ● Сотувда эркин нархда

## ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН



Янги мустақил давлатлар бозор муносабатларига ўтиш йўли даврида турли қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бу — табиийдир, зеро, ривожланиш осон кечмайди. Ана шундай мураккаб пайтда мавжуд муаммолар ҳақида фикрлашиш, уларни биргаликда, бамаслаҳат ҳал этиш йўлларини қидириш фойдадан холи бўлмайди. Ўз мамлакатининг Ўш ва Жалолобод вилоятларида сафарда бўлган Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи ва Президент Ислом Каримов билан 4 декабрда Андижонда бўлиб ўтган учрашуви қардош республикаларда кечаётган иқтисодий жараёнлар, мавжуд муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш эҳтиёжи маҳсулидир.

Андижонда бунёд этилган янги муҳташам аэропорт биносида Ислом Каримов ва Аскар Акаев Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар, Марказий Осиё ягона иқтисодий макони доирасидаги ҳамкорлик ривожи хусусида фикрлашдилар. Суҳбат чоғида, шунингдек, қиш мавсумида Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларига газ етказиб бериш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилинди.

Икки қардош ва қўшни мамлакат ўртасида иқтисодий интеграцияни кучайтириш Президентлар амалий учрашувининг асосий мавзуларидан бири бўлди. Бу ўринда қўшни вилоятларнинг иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Асакада бунёд этилаётган «УзДЭУавто» автомобиль заводи маҳсулотлари учун зарур эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришда Қирғизистон автомобилсозларининг иштироки ўзаро фойдали бўлиши шубҳасиздир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаев «УзДЭУавто» заводига ташриф чоғида ана шу фикрни алоҳида таъкидладилар.

Президентлар заводда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирдилар, ишчилар билан суҳбатлашдилар. Маълумки, Жанубий кореяликлар билан ҳамкорликда қурилаётган бу автомобиль корхонаси келгуси йил март ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга киришади. Заводда «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобилларининг етти турдаги модификациясини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. 1998 йилга келиб тўла қувват билан ишлай бошлайдиган завод йилига 200 минг дона замонавий автомобиллар ишлаб чиқара бошлайди. Ўшанда заводда 2300 нафар киши меҳнат билан банд бўлади. Президентлар Ислом Каримов ва Аскар Акаев заводда йиғилган дастлабки машиналарни кўздан кечириб, бу замонавий автомобиллар техник имкониятлари афзаллиги билан харидорларга жуда манзур бўлишига ишонч билдирдилар.

Мамлакатимизда аҳолини соғломлаштириш, ёш авлодни жисмонан етуклик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Республикамизнинг турли вилоятларида ишга туширилаётган спорт иншоотлари бу борада муҳим ўрин тутаётир. Ислом Каримов ва Аскар Акаев Андижон шаҳрида қурилган улкан теннис кортлари мажмуининг очилиш маросимида қатнашдилар. Халқаро мезонларга мос келадиган бу улкан спорт саройининг тамал тоши 1994 йил июнда қўйилган эди. Қисқа муддат ичида андижонлик қурувчилар ушбу мажмуни қуриб битказдилар. Мажмуда 13 та теннис корти бўлиб, уларнинг 8 таси Франциянинг «Ханлеко» фирмаси ёрдамида сунъий қоплама билан жиҳозланган. Комплексда, шунингдек, 12 спорт командаси учун махсус хоналар, 3 та сауна, сузиш бассейнлари ҳам мавжуд. Ҳозир андижонлик иқтидорли спортчи ёшлар кортларда машқларни бошлаб юборишган. Келажакда Андижон университетининг теннис кафедраси шу ерга кўчиб келади. Бу эса тажрибали мураббийлар ёрдамида халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёшларни вояга етказишга кўмак беради деганидир.

Қирғизистон Президенти Аскар Акаев иншоотни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон раҳбариятининг келажак авлодни тарбиялаш борасида катта ғамхўрлик қилаётганини юксак баҳолади. У журналистларнинг амалий учрашув якунлари юзасидан берган саволларига жавоб қайтарар экан, Андижон шаҳрида ўзи гувоҳ бўлган улкан бунёдкорлик ишлари Ўзбекистоннинг юксалиш йўлига чиқиб олганидан дарак беришини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов, дарҳақиқат, Ўзбекистон учун энг оғир дамлар ортда қолганини, истиқлолга эришилганидан сўнг ўтган муддат ичида юксалиш учун мустаҳкам пойдевор яратилганини айтди.

— Бироқ, биз ҳали барқарор юксалиш йўлига тушиб олганимизча йўқ, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Ҳисоб-китобларимиз 1996 йил ана шундай юксалиш даврини бошлаб беришини кўрсатади. Бу эзгу мақсадга етишда мамлакатимизда ва Марказий Осиёдаги бошқа қўшни давлатларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ислом Каримов шу ўринда айрим кучлар Марказий Осиёда яшовчи қардош халқларнинг иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларини нотўғри талқин қилаётганига эътиборни қаратди.

СУРАТДА: теннис кортининг очилиш маросими.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат.

● Партия ахбороти

## ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабоев Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Бош консули-ваколатхона бошлиғи Йозеф Мачишакни қабул қилди.

Икки ўртада бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида Йозеф Мачишак жаноблари Словакиядаги бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, кўппартиявийлик шароитида турли фирқалар ва ҳаракатлар вакилларининг давлатни бошқаришдаги иштироки, парламентдаги фракциялар мавқеи ҳақида гапириб берди.

Қимматли маълумотлар учун меҳмонга миннатдорчилик билдиркан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабоев Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, ўтиш даврининг муаммолари, мамлакатимиздаги барқарорлик хусусида гапирди. Словакиянинг Ўзбекистондаги Бош консули кўппартиявийлик шароитида сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг омиллари билан батафсил таништирилди.

— Ўзбекистонда бир неча партия фаолият кўрсатмоқда. Улар бир-бирига мухолиф эмасми? — дея сўради Словакия Бош консули. — Сизнинг партиянгиз бошқа фирқалар ёки ҳаракатлар билан биргаликда давлатни бошқаришда ёки парламент ишларида иштирок этадиларми?

— Биздаги партияларнинг Дастур ва Низомлари бир-биридан фарқ қилса-да, мақсад ва муддаоларимиз бир — мамлакат мустақиллигини таъминлаш. Бизнинг «Адолат» социал-демократик партиямиз ҳам, бошқа партиялар ҳам давлат идораларида, парламентда ўз вакилларига эга. Биз амал талашмаймиз ва мухолифлик қилишга ҳожат йўқ, — деди СДП етакчиси ва меҳмоннинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг котиби Улуғбек Дониёров, мафкура, ички ва ташқи алоқалар бўлими мудири Равшан Ҳайдаров иштирок этишди. Томонлар тез-тез учрашиб туриш ва партиялараро алоқаларни кенгайтириш ҳақида келишиб олдилар ва бундай мулоқотлар фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидладилар.

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ—ТАРИХИЙ ДАВРНИНГ ГУЛТОЖИ

## *Эртага Асосий Қонун қабул қилинганига уч йил тўлади*

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу қўҳна замин одамлари кўнглида устивор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижанoблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Ислом КАРИМОВ






Ўзбекистон Республикасининг
**ҚОНУНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти*
*И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 декабрь

3



## ҚОМУСИМИЗ — НОМУСИМИЗ

Соҳибқирон «Амир Темур тузуклари»да ҳам инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи, миллат тақдирини ва келажагини яратувчи, ноҳақликларга шафқатсиз дастуриламал бўлувчи устивор йўналишдаги қонунлар бўлганлиги тарихдан маълум.

Демак, Туркистон халқлари, айниқса, ўзбек халқи бундан бир неча аср илгари ҳам жаҳон афкор оммаси орасида қонуннинг устиворлиги ила нуфузли ўрин тутганига шубҳа йўқ. Бироқ йиллар силсиласи нафақат инсонлар тақдирини, балки қонунлар мажмуасини ҳам ўз измига солиб келди. Эндиликда истиқлол берган неъматлар қаторида ўз қомусимиз — Конституциямизга эга бўлдик. Бу қомусимизнинг ўтмиш қонунларидан фарқи шундаки, унинг асосий қисми инсон омилига хизмат қилишга, уни ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган.

Шунингдек, мустақил Республикамизнинг ривожи, келажаги ҳар жиҳатдан таҳлил этилиб, элга манфаат келтирадиган, шу юрт фуқароларининг миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар унга хизмат қилишга қодир эканлиги билан фарқланади.

**Абдумажид ТЎРАЕВ,**
**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлимининг мудири, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси.**

## МИЛЛАТИМИЗ ИФТИХОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига энди уч йил тўлди. Бироқ қисқа фурсатда ана шу қомусимиз, айтиш жоиз бўлса, халқаро майдонда миллатимиз шон-шавкатини, иқтисодиётимиз барқарорлашувини ҳамда алоқаларимизни йўлга қўйишимизда муҳим ҳужжат сифатида хизмат қилаётганлигини фахр билан тилга олгим келади.

Тўғриси, оғир шароитга қарамай, юртимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар кўлами фақат Конституцияда белгилаб берилганидек қарор топмоқда. Буни фан-техниканинг жадаллашувида, олий ўқув юртларимизда тест-синовларининг жорий этилганлигида, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги саноатида, айниқса, яққол кўриш мумкин.

Энг муҳими, Ватан тушунчаси, миллатимиз ифтихори, қадриятларимиз, урф-одатларимиз каби орзуга айланиб қолган туронзамин ақидалар Конституциямиз орқали хонадонларимизни қайтадан файзга тўлдирди. Умуман, мен сиёсатдон ёки файласуф эмасман. Аммо мустаҳкам мавқега эга бўлган ўз қонунимиз борлигидан, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилаётганлигидан диллар қувончга тўлади.

**Ҳафиза МУРОДОВА,**
**Бухоро вилояти маърифат ва маънавият марказининг ходимаси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси.**

## ИНСОН МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Собиқ Иттифоқ даврида амал қилган қонунлар кўламида яккаҳокимчилик назариясидан келиб чиқиб, инсон манфаати иккинчи даражали бўлиб қолганди. Янги Конституциямизда ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам чуқур таҳлил этилиб, ижобий томонлардан фойдаланишимизга кенг ўрин берилган. Шу жумладан, юртимизда кўппартиявийликнинг тобора кенг шаклланиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Гарчи, мавжуд партияларнинг Дастур ва Низомлари турлича назарияларга эга бўлса-да, уларнинг мақсадлари ягона, яъни юрт фаровонлигига, миллатидан қатъий назар элга хизмат қилишга қаратилган. Туманимизда ташкил этилган «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари ҳам қонунда белгиланганидек, эзгу мақсадлар йўлидан бормоқда. Чунончи, саноат ишлаб чиқаришида 45 нафар, маориф ва маданият соҳасида 37 нафар, кичик ва ўрта тадбиркорликда 30 нафар ташаббускор аъзоларимиз ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, қаердаки инсон манфаати йўлида хизмат қила оладиган қонунлар мавжуд экан, унинг барқарор бўлиши ҳам муқаррар. Шу жиҳатдан Конституциямизнинг умри боқий бўлишига ишонаман.

**Рихсивой ИБРОҲИМОВ,**
**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Миробод тумани Кенгаши аъзоси.**

## ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛМОҚДА

Мустақил давлатимизнинг миллий қадриятларимизни рўёбга чиқарувчи қонунлари ҳаётимизга татбиқ этила бошлаганлигидан ҳам биз каби ёшларнинг ҳар томонлама илм олишига имкониятлар яралди. Тўғриси, ҳозир оиламиздан уч нафар киши олий ўқув юртларида таҳсил олаяпмиз. Икки укам хорижий давлатлардаги олий ўқув юртларида ўқимоқда. Мана шу далилнинг ўзи ҳам фуқароларимизнинг ҳар томонлама муҳофазаланганлиги ва қонуннинг уларга хизмат қилаётганлигидан далолатдир.

Юртимиз аҳли қутлуғ кун, яъни Конституциямизнинг уч йиллигини нишонлар экан, ундаги имтиёзлардан фойдаланиш билан бирга, қонунларга тўла амал қилишларига тилакдошман. Негаки, биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан борар эканмиз, энг аввало Асосий Қонунимизга риоя этмоғимиз лозим.

**Ойгул МАМЕТОВА,**
**Сирдарё Давлат педагогика институти талабаси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг аъзоси.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қисқа вақт ичида ҳаётнинг барча соҳасида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатганини катта мамнуният билан қайд этамиз. У мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётининг, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини қуришнинг бош йўналишларини белгилаб берди ҳамда айни пайтда мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатларни демократлаштиришнинг гарови бўлиб қолди.

Биз — дастурий ҳужжатларимиз кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилса-да, азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнашидек олий мақсад сари интилаётган турли сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари вакиллари энг аввало умуминсоний демократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ устиворлиги негизига қурилган Асосий Қонунимиз фуқаролар тотувлиги ҳамда тинчлик, барқарорликни, миллатлар ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни, ислоҳотларни амалга оширишни таъминлаб, яхши натижалар бераётганини якдиллик билан эътироф этамиз.

Бунинг асосий сабаби, Конституциямиз кўп асрлик тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримизнинг энг яхши томонларини қамраб олгани ва миллий манфаатлар ва интилишларни мужассамлаштирганидадир.

Ўзбекистон Конституцияси ҳаётбахшлигининг таъминланиши кўп жиҳатдан биз — кенг жамоатчилик вакилларининг конституция қоидалари ҳаётга тадбиқ этилишига қанчалик кўмаклашишимизга ҳам боғлиқ.

Барча ҳамюртларимизни байрам билан, яъни Ўзбекистон Конституцияси куни билан чин қалбдан табриклаймиз ҳамда сизларни, азиз дўстлар, халқимизнинг, кўп миллатли Ватанимизнинг порлоқ истиқболи учун бунёдкорлик меҳнатида фаол иштирок этишга даъват қиламиз!

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси,**
**«Адолат» социал-демократик партияси,**
**«Ватан тараққиёти» партияси,**
**«Миллий тикланиш» партияси,**
**Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати,**
**Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази.**

*● «Адолат»га жавоб берадилар*

## БОҒ КИМГА АТАЛГАН? МОЛЛАРГАМИ?

*(«Адолат» газетаси 1995 йил, 21 октябрь, № 29).*

***Мазкур сарлавҳа остида берилган суратли фельетонда Навоий вилоятининг Кармана шаҳридаги «Ёшлик» боғи қаровсизликдан ҳувиллаб ётгани, бу туфайли унда чорва моллари бемалол ўтлаб юргани қаттиқ танқид қилинган эди. Ишдан бўш пайтларида ва дам олиш кунларида аҳолининг ҳордиқ чиқариб, кўнгил ёзишига мўлжалланган бу файзли масканнинг нега шундай аянчли аҳволга тушиб қолгани хусусида қуйидаги жавоб олинди.***

Навоий тумани ҳокимлигида мазкур суратли феълетон атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам айрим сабабларга кўра Кармана шаҳридаги «Ёшлик» боғининг кўпчилик ишчи-хизматчилари штати қисқартирилганлиги учун боғ қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Келаси йилдан туман маданият бўлими ҳузурида боғда ишловчилар учун бюджет ҳисобидан штатлар бирлиги ажратилиб, боғ маъмуриятини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда эса боғни назорат қилиб бориш учун қоровуллар ишлаб турибди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган жиҳозлар олиб ташланиб, ҳозир бу ерда ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

**Э. ДАВРОНОВ,**
**Навоий тумани ҳокимининг биринчи муовини.**

## ҲОДИСА

Тошкент шаҳридаги «Ганга» магазини ёнидаги уйда газ чиқиши натижасида портлаш содир бўлди. Ҳозир аниқланаётган тахминларга қараганда, таъмирлаш-монтаж ишларини бажариш чоғида хавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши газ чиқишига сабаб бўлган. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, 4 киши ҳалок бўлган, жароҳат олганлар ҳам бор, уларга тиббий ёрдам кўрсатилган. Портлашдан сўнг чиққан ёнғин тезда ўчирилган.

Жабрдийдалар ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш учун ҳукумат комиссияси тузилди.

Прокуратура бу ҳодиса юзасидан жиноий иш қўзғатди.

**(ЎзА).**

● *Обуна—96*

**«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!**

1995 йил 1 октябрдан бошлаб республика «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна бошланган.

**ОБУНА БАҲОСИ:**

якка тартибдаги обуначилар учун:
6 ойга —162 сўм 90 тийин,
12 ойга —324 сўм.

ташкилотлар учун:
6 ойга —186 сўм, 12 ойга—372 сўм

**Нашр кўрсаткичи: 64597** (якка тартибда),
**64598** (ташкилотлар учун).

*Ёдингизда бўлсин,*

*«Адолат» энг оммавий, энг арзон газетадир. Унга ҳар доимгидек келаси йилда ҳам*

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

